«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
75-сонли БАЁНИдан КЎЧИРМА

Умумий йиғилиш Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 4-уй "ЎзРВБ" АЖ биносида ўтказилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун акциядорлар иштирок этдилар.

Йиғилиш ўтказилган сана:	2018 йил 23 июль
Рўйхатга олиш бошланган вақт:	соат 09.10
Рўйхатга олиш тугаган вақт:	соат 09.30
Йиғилиш ёпилган вақт:	соат 11.00
Баён тузилган сана:	2018 йил 26 июль

ЎзРВБ акциядорларининг жами овозлари сони – 1 069 600 та овоз.
Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	- 536200;
«Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки	- 119000;
Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	- 119000;
«Агробанк» акциядорлик тижорат банки	- 95200;
«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки	- 95200;
«Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки	- 61600;
Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки	- 43400.

ЎзРВБ акциядорларининг қатнашган вакиллари:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

Ишметов Тимур Аминджанович - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисининг биринчи ўринбосари;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки
Насруллаев Шерзод Саъдулла ўғли - Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Инвестициялар департаменти директори;

«Ўзбекистон саноат–қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки:
Якубов Шухрат Исраилович - "Ўзбекистон саноат – қурилиш банки" акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раисининг ўринбосари;

«Агробанк» акциядорлик тижорат банки:
Очилов Шухратилла Тоштемирович - "Агробанк" акциядорлик тижорат банкининг Ғазначилик департаменти Қимматли қоғозлар бошқармаси бошлиғи;

«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки:
Мовлонов Навфал Хамидович - "Ипак Йўли" акциядорлик инновация тижорат банки Қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи;

«Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки:
Джунайдуллаев Тохир Фахриддинович - "Ориент Финанс" хусусий акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раисининг биринчи ўринбосари;

Йиғилишда қатнашган акциядорлар 1 026 200 та овозга эга бўлиб, бу жами овозлар сонининг 95,94 фоизини ташкил этади.

Қатнашдилар:

1. Орзикулов Зафар Абдухалилович - - "Ориент Финанс" хусусий акциядорлик тижорат банки Ички аудит департаменти директори, ЎзРВБ Тафтиш комиссияси раиси;
2. Бекмирзаев Навруз Бурханович - ЎзРВБ Бош директори;
3. Усманов Рашид Рустамович - ЎзРВБ Бош директорининг Биринчи ўринбосари;
4. Исраилов Билолиддин Зиявитдинович - ЎзРВБ Бош директорининг ўринбосари;
5. Янгаев Камил Касимович - ЎзРВБ Бош директори маслаҳатчиси;
6. Хамдамова Муқаддас Солойдиновна - ЎзРВБ Бош бухгалтери ўринбосари;
7. Худойбердиев Жамшид Бозорович - ЎзРВБ юридик хизмати бошлиғи;
8. Раззакова Барно Ахмаджановна - ЎзРВБ ички аудит хизмати етакчи аудитори;
9. Мирзаахмедова Иқболхон Абидовна - ЎзРВБ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича етакчи мутахассиси;
10. Сафаев Собир Абдуллаевич - "TSIAR-FINANS" МЧЖ аудиторлик ташкилоти директори.

КУН ТАРТИВИ:

1. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. ЎзРВБ саноқ комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг 2017 йилда ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан ЎзРВБни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш.
4. ЎзРВБда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
5. ЎзРВБ Тафтиш комиссиясининг хулосасини эшитиш.
6. ЎзРВБнинг 2017 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
7. ЎзРВБнинг 2017 йил якунларига кўра соф фойдасини тақсимлаш.
8. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш.
9. ЎзРВБ Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш.
10. ЎзРВБ Ижроия органи (Бош директор) билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш.
11. 2018 йил учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш.

ЎзРВБ акциядорларининг овоз бериш бюллетенлари асосида ЎзРВБ акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг қуйидаги қарори қабул қилинди:

1. ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- маърузачиларга асосий масалалар бўйича чиқиш учун – 10 дақиқагача;
- қўшимча фикр билдиришлар ва тортишувлар учун – 5 дақиқагача;
- савол ва жавоблар учун – 5 дақиқагача.

Рози – 1 026 200 та овоз, қарши – йўқ, бетараф – йўқ.

2. ЎзРВБ саноқ комиссияси 3 кишидан иборат қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- Худойбердиев Ж.Б. – ЎзРВБ юридик хизмати бошлиғи;
- Раззакова Б.А. – ЎзРВБ ички аудит хизмати етакчи аудитори;
- Мирзаахмедова И.А. – ЎзРВБ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича етакчи мутахассиси.

Рози – 1 026 200 та овоз, қарши – йўқ, бетараф – йўқ.

3. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг 2017 йилда ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан ЎзРВБни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботи тасдиқлансин.

Рози – 1 026 200 та овоз, қарши – йўқ, бетараф – йўқ.

4. ЎзРВБда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари маълумот учун қабул қилинсин.

Рози – 1 026 200 та овоз, қарши – йўқ, бетараф – йўқ.

5. ЎзРВБ Тафтиш комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин.

Рози – 1 026 200 та овоз, қарши – йўқ, бетараф – йўқ.

6. ЎзРВБнинг 2017 йил учун йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Рози – 1 026 200 та овоз, қарши – йўқ, бетараф – йўқ.

7. 2017 йил якунлари бўйича ЎзРВБ соф фойдасининг 20 000 001 168,00 сўм миқдоридаги қисми ЎзРВБ акциядорлари ўртасида акциялар сонига кўра мутаносиб (пропорционал) равишда дивиденд сифатида тақсимлансин (1-иловага мувофиқ).

Дивидендларни тўлаш шакли – акциядорларнинг ҳисобрақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли билан.

Дивидендларни тўлаш бошланадиган сана – 2018 йил 25 июль.

Дивидендларни тўлаш тугайдиган сана – 2018 йил 15 сентябрь.

ЎзРВБ фаолиятини янада такомиллаштириш, жумладан, инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида 2017 йил якунларига кўра ЎзРВБ соф фойдасини тақсимлашдан қолган 16 151 883 946,56 сўм миқдоридаги пул маблағлари ЎзРВБ ихтиёрида қолдирилсин.

Рози – 1 026 200 та овоз, қарши – йўқ, бетараф – йўқ.

8. ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзолари "Кумулятив овоз бериш бюллетени" бўйича овоз бериш натижаларига кўра қуйидаги таркибда сайлансин:

1. Ишметов Тимур Аминджанович - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисининг биринчи ўринбосари

Овозлар сони: Ёқлайман – 1 971 900 та овоз.

2. Адилов Алимардон Абдуразакович - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Монетар операциялар департаменти директори;

Овозлар сони: Ёқлайман – 1 971 900 та овоз.

3. Насруллаев Шерзод Саъдулла ўғли - Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Инвестиция департаменти директори;

Овозлар сони: Ёқлайман – 928 200 та овоз.

4. Якубов Шухрат Исраилович - "Ўзбекистон саноат-қурилиш банки" акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раисининг ўринбосари

Овозлар сони: Ёқлайман – 928 200 та овоз.

5. Маматкулов Рустам Уктамович - "Агробанк" акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раисининг ўринбосари

Овозлар сони: Ёқлайман – 95 200 та овоз.

6. Сайдахмедов Саидаброр Сайдиагзамович - "Ипак Йўли" акциядорлик инновация тижорат банки Бошқаруви Раиси вазифасини бажарувчи;

Овозлар сони: Ёқлайман – 761 600 та овоз.

7. Джунайдуллаев Тохир Фахриддинович - "Ориент Финанс" хусусий акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раисининг биринчи ўринбосари.

Овозлар сони: Ёқлайман – 526 400 та овоз.

9. ЎзРВБ Тафтиш комиссиясининг аъзолари қуйидаги таркибда сайлансин:

1. Арипов Камол Кабилович - "Ўзбекистон саноат-қурилиш банки" акциядорлик тижорат банки Ғазначилик департаменти бўлим бошлиғи;

Рози – 1 026 200 та овоз, қарши – йўқ, бетараф – йўқ.

2. Орзикулов Зафар Абдухалилович - "Ориент Финанс" хусусий акциядорлик тижорат банки Ички аудит департаменти директори;

Рози – 1 026 200 та овоз, қарши – йўқ, бетараф – йўқ.

3. Мовлонов Навфал Хамидович - "Ипак Йўли" акциядорлик инновация тижорат банки Қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи.

Рози – 1 026 200 та овоз, қарши – йўқ, бетараф – йўқ.

10. Ўзбекистон республика валюта биржаси Ижроия органи (Бош директор) лавозимига Бекмирзаев Навруз Бурханович тайинлансин ва у билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати 2019 йилда ўтказиладиган ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишигача узайтирилсин.

Рози – йўқ, қарши – 1 026 200 та овоз, бетараф – йўқ.

11. 2018 йилда ЎзРВБда миллий аудит стандартлари (МАС) ҳамда халқаро аудит стандартлари (ХАС) талабларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун "TSIAR-FINANS" МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузилсин ва аудиторлик хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегараси 35,6 млн. сўмгача (20,6 млн. сўм (МАС бўйича) ва 15 млн. сўм (ХАС бўйича)) миқдорда белгилансин.

Рози – 1 026 200 та овоз, қарши – йўқ, бетараф – йўқ.

Йиғилиш раиси (имзо) **Т.А. Ишметов**

Йиғилиш котиби (имзо) **Р.Р. Усманов**

Аслига кўра тўғри:

Бош директор в.в.б. Р.Р. Усманов